

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АБДИРАСУЛОВ ФАРРУХ АБДИРАСУЛ ЎҒЛИ

**ШИМОЛИЙ ТУРКИСТОН БРИОФЛОРАСИ ВА УНИНГ
БИОЭКОЛОГИК ТАВСИФИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PHD/B627 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жалов Холмурод Ҳакимович
биология фанлари фалсафа доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мавланов Хударган
биология фанлари доктори, профессор

Бобораджабов Бобохон
биология фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.12.2019.В.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 7 » ОКТЯБР кунини соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Биология факултети биноси 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс (+99866) 239-11-51, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (91 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2022 йил « 21 » СЕНТЯБР кунини тарқатилди.
(2022 йил « 21 » СЕНТЯБР № 31 сонли реестр баённомаси)



З.Т.Ражамуродов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

М.С.Кузиев
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
б.ф.д. (PhD), доцент

Х.Қ.Ҳайдаров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий муҳитнинг жадал суръатлар билан ўзгариб, антропоген таъсир даражалари эса бевосита ва билвосита усулларда амалга ошмоқда. Бунинг натижасида биологик турлар ва экотизимларнинг ўзгариши, биохилма-хилликнинг йўқолиши, сув, ҳаво, тупроқ таркибининг ёмонлашувига сабабчи бўлмоқда. Сўнги вақтларда экологияни кескин ўзгариши натижасида турли хил касалликларни пайдо бўлиши, қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнлари кучайиши сабабли ўсимлик турлари бутунлай йўқолиб кетиш хавфи ортиб бормоқда. Шунга кўра флоранинг бир қисми ҳисобланган бриофлора таркибини инвентаризация қилиш, муҳофазага муҳтож ва камёб турларни сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда флористик тадқиқотларда табиий ҳудудларни ботаник-географик районлаштиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Шунга кўра бриофлоранинг тур таркибини аниқлаш, бриофитларнинг миллий ва маҳаллий конспектини тузиш, уларни табиий ўсиш шароитларини сақлаб қолиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, камёб ва муҳофазага муҳтож турларнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ботаника фанининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бриофитлар юксак ўсимликлар ичида турлар сони ва аҳамияти жиҳатидан юқори бўлиб, кенг экологик диапазонга эга ҳар хил экологик шароит ва субстратларда ўсишга мослашган, адаптация хусусиятлари юқори бўлган ушбу турларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикада биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, флора таркибидаги ўсимлик турларини таксономик таҳлили ҳамда мониторинг қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ботаник-географик ҳудудлардаги флораларни инвентаризациялаш, камёб ва муҳофазага муҳтож турларни ҳимоя қилиш, шу билан бир қаторда турлар коллекцияларини яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹, жумладан, “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш”, вазифаси белгилаб берилган. Мазкур фармонни ижросини бажаришда, Шимолий Туркистон бриофитларининг замонавий таксономик таркибини шакиллантириш, конспектини тузиш, камёб ва ҳудуд учун янги турларини аниқлаш, уларнинг ГАТ хариталарини яратиш, экологик ва географик хусусиятларини тавсифлаш, эколого-флористик таҳлиллар асосида бриофитларни ўсиш типларини очиб бериш, муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, атмосфера ҳавосини биомониторинг қилишда индикатор бриофитлардан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

фойдаланиш билан бирга тавсияларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 3-апрелдаги 98-сон “Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида” ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони ва 2022-йил 28-январдаги 60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармонлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бриофитлар флорасининг таксономик, флористик, географик, экологик хусусиятлари ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш даражасини мониторинг қилишдан бриофитларнинг аҳамиятини ўрганиш хорижлик олимлардан А.Вусе, D.Norris, Н.Нарменс, Р.Вийкер, Т.Ашден, J.Mills (2000, 2001), В.Волтербек (2002), R.Marsteller (2006), Г.С.Таран (2001), А.Дьяченко (2011, 2012) J.Glime (2020) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Ўрта Осиё бриофлорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар асосан О.Ф.Газе (1947), Э.К.Рахматулина (1968), У.К.Маматкулов, И.О.Байтулин, С.Г.Нестеровалар (1998), Х.Ҳ.Жалов (2018) Б.Бобораджабов (2020) ларнинг илмий ишларида келтирилган. Бироқ бу тадқиқотлар Шимолий Туркистон бриофлорасининг турлар таркибини замонавий ҳолатини очиб бера олмайди.

Помир-Олой тизма тоғлари орасида ўзига хос бриофлористик таркиби, унинг шаклланиши ва экологик, географик хусусиятларига эга бўлган ҳамда камёб, Ўрта Осиё бриофлораси учун илгари номаълум бўлган турларни ўзида сақлаган Шимолий Туркистон бриофитлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу ўринда Шимолий Туркистон бриофлорасининг замонавий ҳолатини очиб бериш, унинг конспектини тузиш, бриофитларни ўсимликлар қопламида тутган ўрнини ва тарқалишини асослаш, Ўзбекистон ва Ўрта Осиё учун янги, камёб турларни аниқлаш ҳамда, атмосфера ҳавоси таркибини биомониторинг қилишда бриофитларнинг ўрнини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Ботаника кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №SBio-03 “Жанубий-Ғарбий Ўзбекистон флорасининг биохилма-хиллигини ўрганиш, инновацион тадқиқотлар ўтказиш ва уларни муҳофаза қилишнинг биологик асосларини аниқлаш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шимолий Туркистон бриофитларининг конспектини тузиш ҳамда унинг биоэкологик ва географик хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси:

Шимолий Туркистон бриофлорасини тўлиқ инвентаризация қилиш, таксономик ва флористик таҳлил қилиш;

бриофлорадаги камёб турларини аниқлаш ва уларнинг ГАТ хариталарини тузиш;

бриофлорани географик ва экологик хусусиятларига кўра таҳлил қилиш; тупроқ ва ҳаво таркибидаги айрим радионуклидлар миқдорини аниқлашда бриофитлардан фойдаланишни асослаш;

Тадқиқотнинг объекти: Шимолий Туркистон ботаник географик районининг бриофлораси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: Шимолий Туркистон бриофлорасининг флористикаси, таксономияси, экологияси, географияси, тупроқ ва ҳаво таркибини биомониторинг қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда бриологик, стационар ва ярим стационар маршрут, анъанавий, қиёсий морфологик ва анатомик, статистик, лаборатория таҳлил ва ГАТ хариталар тузиш услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шимолий Туркистон бриофитларининг тўлиқ флора конспекти тузилган ва бриофлоранинг 4 аждод, 14 қабила, 32 оила, 57 туркумга мансуб 116 тури аниқланган;

Ўзбекистон бриофлораси учун 14 тур, Ўрта Осиё флораси учун икки тур (*Cyrtomnium hymenophylloides* (Huebener) T.J. Кор., *Calypogeia arguta* Nees & Mont.) янги турлар қайд қилиниб уларнинг ГАТ хариталари тузилган;

Шимолий Туркистон бриофлорасининг шаклланиш хусусиятлари ҳамда экотопларни 3 та типи очиб берилган;

Шимолий Туркистон бриофитлари географик элементларига кўра 7 та, намликга бўлган муносабатига кўра 6 та, субстратларда тақсимланишига кўра 9 та гуруҳга мансублиги аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шимолий Туркистонда тарқалган камёб ва Ўзбекистон бриофлораси учун янги турлар тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар тузилган ва уларни муҳофаза қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

атмосфера ҳавоси таркибидаги зарарли элементларнинг миқдорини белгилашда фойдаланиладиган 3 та индикатор турлар аниқланган ва табиатни муҳофаза қилишда саноатлашган ҳудудлардаги радионуклидларни

миқдорини баҳолаш учун тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган гербарий намуналари Самарқанд давлат университети гербарийси ҳамда Россия, Твер давлат университети гербарийсида сақланаётганлиги, тадқиқот натижаларининг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Шимолий Туркистон ботаник географик районида аниқланган бриофитларнинг тўлиқ конспекти тузилганлиги, бриофлоранинг экологик ва географик хусусиятларини таҳлил қилиниши асосида унинг бошқа бриофлоралардаги ўрни аниқланганлиги, ўсимликлар қопламидаги бриофитларнинг тарқалиш хусусиятларини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалар бриофитларни камёб турларини ГАТ хариталарини тузиш, улар тарқалган ҳудудларни аниқлаш ҳамда муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавоси таркибидаги кимёвий элементлар миқдорини аниқлаш ва мониторинг қилишга хизмат қилиши очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимолий Туркистон бриофитларини тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

Шимолий Туркистон таркибидаги 116 турнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022-йил 01-июндаги 03-02/7-1410-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон бриофлораси учун 14 та камёб бриофит турлари аниқланган ва турлар тарқалган ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларни сақлаб қолиш имконини берган;

атмосфера ҳавоси таркибидаги радионуклидларни миқдорини аниқлашда қўлланиладиган 3 та индикатор турлардан фойдаланиш учун Самарқанд ва Жиззах вилоятлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022-йил 01-июндаги 03-02/7-1410-сон маълумотномаси). Натижада саноат ҳудудлари атмосфера ҳавоси таркибидаги 5 та зарарли радионуклидларни, жумладан, ^{137}Cs , ^{40}K , ^{226}Ra , ^7Be , ^{212}Th миқдорини бриофитлар орқали белгилаш ва ифлосланган ҳудудларни аниқлаш имконини берган;

бриофлора таркибидаги 50 турга мансуб 50 нусха гербарий намуналари Россия Федерацияси, Твер давлат университети гербарийси коллекциясига қабул қилинган (Россия, Твер давлат университети 2022-йил 13-майдаги 068-А3 сондаги маълумотномаси). Натижада Твер Миллий гербарийсининг

фондини Ўрта Осиё бриофитлари бойитган ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўрта Осиё бриофлорасининг ўрганилиш тарихи, тадқиқот материали ва услуги**” деб номланган биринчи бобида олиб борилган бриологик тадқиқотларнинг кенг таҳлили ҳамда тадқиқот материали ва услуги келтирилган.

Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб бриологик изланишларни олиб борган тадқиқотчилардан А.О.Федченко ва О.Федченколари (1859) томонидан олиб борилган. Кейинчалик 1870-1900 йиллар давомида Помир-Олой, Тиёншон, Копеттоғнинг турли худудларида ва Қизилқум, Қорақум чўлларида бриофитларни таниқли ботаниклар Э.Регел, В.Л.Комаров, В.И.Липский, С.И.Коржинский ва Б.А.Федченколари тадқиқотлар олиб борган. Ўрта Осиё флорасини ўрганишнинг янаям жадал даври 1908 йилларда В.Ф.Бротерус, С.М.Вислоух ва А.А.Еленкин, О.Федченко, А.С.Лазаренколари кенг қамровли илмий ишларидан сўнг бошланган. В.Ф.Бротеруснинг Тиёншон ва Помир-Олой тоғ тизмаларида учун 50 дан ортиқ турлар ва фан учун 3 та янги тур келтирилган. А.С.Лазаренконинг (1938) йиғма иши чоп этилган бўлиб, унда Ўрта Осиё бриофитларининг 126 тури ва фан учун янги бўлган 9 та тури таърифланган. О.Ф.Газе (1947) Зарафшон водийси бриофитларни ўрганишга қаратилган тадқиқот ишида 49 тур бриофитларнинг флористик хусусиятлари тўғрисида маълумот келтириб ўтган. Бриофитларни ўрганишда кенг қамровли тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларида А.М.Музафаров, А.Л.Абрамова, И.И.Абрамов, Э.К.Тайвел, М.С.Козлова, М.И.Годвинский,

А.С.Лазаренко, Е.М.Лесняк, Л.И.Савич-Любицкий, У.К.Маматкулов, Б.Бобораджабов томонидан амалга оширилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида тадқиқот объекти, услублари келтирилиб ўтилган. Тадқиқот даврида Шимолий Туркистон баргпояли бриофитларнинг 1300, жигарсимон бриофитларнинг 200 нусхадан иборат намуналари йиғилган (1-расм). Турлар таркибини аниқлаш анъанавий қиёсий анатомик-морфологик услублар ёрдамида ва кенг фойдаланиладиган аниқлагичлар («Определитель листостебельных мхов Арктики СССР», «Флора мхов средней части европейской России, «Флора мохообразных Таджикской СССР», «Определитель листостебельных мхов Центральной Сибири») илмий манбалар ёрдамида олиб борилди. Бриофитларнинг таксономияси “Check-List of mosses of east Europe and north Asia” (Ignatov et al. 2006) томонидан ишлаб чиқилган тизим бўйича жойлаштирилган.



1-расм. Ўрганилган ҳудуд ва гербарий намуналар йиғилган жойлар

Диссертациянинг “Шимолий Туркистоннинг табиий географик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг географияси, рельефи, иқлими, тупроқлари, флораси ва ўсимликлар қоплами тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Шимолий Туркистон (Туркистон тизмаси) ботаник географик райони, Туркистон тизмасининг ғарбий қисмининг шимолий ён бағирини ўз ичига олиб, Кўхистон округи, Тоғли Ўрта Осиё провинциясига тегишли бўлиб маъмурий жиҳатдан Жиззах вилоятининг жануби-шарқида жойлашган бўлиб,

700 дан 4029 м а.с.л гача бўлган мутлоқ баландликлар оралиғини қамраб олади ва юқори қаватли камарларнинг ўз ичига олади.

Диссертациянинг “**Шимолий Туркистон бриофлорасининг конспекти**” номли учинчи бобида аниқланган бриофитларнинг флора конспекти ва янги флористик топилмалари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

«Конспект ...» да таксонлар ўсимликлар оламининг замонавий тизимига асосан оила ва туркумлар ҳажми ушбу тизимга мувофиқ қабул қилинди. Флора конспектида 32 оила, 57 туркумга мансуб 116 тур ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Дала тадқиқотлари ва гербарий намуналарини таҳлил қилиш натижасида Шимолий Туркистонда Ўрта Осиё бриофлораси учун илгари кўрсатилмаган 2 та тур аниқланган.

***Calypogeia arguta* Nees & Mont.** = (*Cincinnatius argutus* (Nees & Montin) Dumort., *Kantia arguta* (Nees & Mont.) Lindb., *Kantius argutus* (Nees & Montin) Lindb.) ташқи тузилиши барг пояли *mniium* ни эслатиб, танасининг узунлиги 10 мм гача, барг узунлиги 1,2 мм, учи айри, деярли юмалоқ, эни 1 мм. *Экологияси*: гигрофит, эпигей, эпилит, неморал. *Тарқалиши*: Марказий Осиёда: Ўзбекистон. (Ф.Абдирасулов = Зомин миллий табиат боғи, Ўрикисой - 39°37'38.2"N 68°29'28.3"E 2020).

***Cyrtomnium hymenophylloides* (Huebener) T.J. Кор.** = (*Mnium hymenophylloides* Huebener., *Astrophyllum hymenophylloides* (Huebener) Lindb.) ўсиш шакли акрокарп, пояси нозик, барг шакли кенг: тухумсимон асоси ва учи бир хил торайган барглар чети силлиқ, чўзиқ хужайралар билан чегараланган, барг томири барг учигача етади. *Экологияси*: мезофит, эпигей неморал. *Тарқалиши*: Марказий Осиёда: Ўзбекистон. (Ф.Абдирасулов = Зомин миллий табиат боғи Зоминсой, Ўрикисой - 39°37'36.16"N 68°29'26.45"E 2019).

Юқоридаги конспектда келтирилганидек ҳар бир турнинг синоними, қисқача морфологияси, экологик хусусиятлари ва географик элементлари, тарқлиши ҳамда учраш координаталари асосланган.

Диссертациянинг тўртинчи “**Шимолий Туркистон бриофлорасининг таҳлили**” деб номланган бобида, бриофлоранинг таксономик таркиби, етакчи таксонлари, камёб турлари ҳамда Шимолий Туркистон бриофлорасини Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари билан қиёсий таҳлили ва бриофлоранинг шаклланиши баён этилган.

Бобнинг биринчи бўлимда бриофлоранинг 2 бўлим (*Marchantiophyta* Stotler et Stotl. - Crand., *Bryophyta* Schimp.), 4 аждод (*Jungermanniopsida* Stotler et Crand. -Stotl., *Marchantiopsida* = (*Hepaticopsida*) Cronquist, Takht. et W. Zimm., *Bryopsida* Horan., *Polytrichopsida* Doweld), 14 қабила, 32 та оилага мансуб 57 туркум, 116 тур таксономик таҳлил қилинган.

Шундан 2 аждод, 3 қабила, 6 оила, 7 туркумнинг 8 тури *Marchantiophyta* бўлимига мансубдир. *Bryophyta* бўлимининг 1 та *Bryopsida* Horan., аждодига 10 қабила, 25 оила, 49 туркумга оид 106 турни ташкил этса, иккинчи *Polytrichopsida* аждодига эса 1 қабила, 1 оила, 1 туркумга оид 2 тур тарқалгани аниқланди (1-жадвал).

Шимолий Туркистон бриофлорасининг таксономик таркиби

MARCHANTIOPHYTA					
Аждод	Қабила	Оила	Туркум	Тур	%
Jungermanniopsida	2	2	2	3	2,58
Marchantiopsida	1	4	5	5	4,31
BRYOPHYTA					
Bryopsida	10	25	49	106	91,37
Polytrichopsida	1	1	1	2	1,72
Жами:	14	32	57	116	100


Шимолий Туркистон бриофлорасида 116 турнинг туркум ва оилалар кесимида тақсимланиши бўйича таҳлил қилинганида мавжуд 32 оиланинг 43,75%, яъни 14 та оила битта туркум биттадан турга эга бўлса, 8 та 25% оиланинг биттадан туркум 2 тадан тури бўлиб жами 16 турни ўз ичига олади. Иккитадан туркум ва турларга эга оилалар 2 та бўлса, Encalyptaceae оиласи 1 туркум 4 турга, Mniaceae оиласи эса 3 туркум 4 турга, Orthotrichaceae оиласи 2 туркум 5 турга эга бўлса, Amblystegiaceae оиласи эса 7 туркум 9 турга, Bryaceae оиласи 2 туркум 10 турга, Grimmiaceae оиласи 2 туркум 11 турга, Brachytheciaceae оиласи эса 4 туркум 11 тур, Pottiaceae оиласи эса энг юқори кўрсаткичга 10 туркум 28 турга эга бўлиши билан ажралиб туради.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида Шимолий Туркистон бриофлорасининг шаклланиши бўлиб, бриофлоранинг шаклланишида иқлим омиллари ва субстратларга боғлиқлиги баён этилган. Бошқа юксак ўсимликлар қатори бриофлоранинг шаклланишида асосий омиллардан бири бу намлик муҳим аҳамият касб этиб, бир қанча белги хусусиятларига таъсир этади.

Барча бриофит турларида жинсий ҳаёт цикли намлик билан белгилансада споранинг тарқалиши эса қуруқ шароит билан боғлиқ. Бунга асосий сабаб бриофитларнинг ўсиш ривожланишида тур таркибини сақлаб қолишида фақатгина намлик эмас балки ёруғлик, ҳаво харорати, субстратнинг сирт юзалари каби кўрсаткичларга билан белгиланади.

Намлик нафақат ўсиш ривожланишига балки турнинг тарқалишига, тузилишини ўзгаришига олиб келган. Иқлим омиллари эса ўсиш шароитига таъсир қилиб асосан 3 хил кўринишни шаклантирган (2-расм).

Бунга кўра Marchantiophyta бўлимига тегишли турлар баргсимон, дихотомик шохланган ва ҳар хил шакли талломлардан иборат бўлса, Bryophyta бўлими икки акрокарп ва плеврокарп гуруҳга бўлиниши ва шу гуруҳлар бўйича қабила ва унга мансуб турлар кесимида тақсимланиши таҳлил этилган. Бунда асосан плеврокарп турлар Нурнаles қабиласининг барча оилаларида кузатилиб умумий 32 турни, қолган 10 қабилага мансуб барча оилаларда акрокарп турларни ташкил этган. Юқоридаги гуруҳларнинг оилалар кесимида таҳлил қилинганида 6 та талломли, 15 та акрокарп ва 11 та плеврокарп ўсиш шаклини ташкил этган.



2-расм. Бриофитларнинг ўсиш шаклини турлар кесимида тақсимланиши

Таҳлиллар натижасида аниқланган турлардан 8 тур талломли бўлиб, барча бриофитларнинг 6,89% ни ташкил қилса, плеврокарп турлар 32 та (28%) ни, акрокарплар эса 76 та турни (65%) ни ташкил қилади.

Бобнинг учинчи бўлимида Шимолий Туркистон бриофитларининг етакчи оилалар бўйича таҳлили келтирилаган бўлиб, 116 турдан кенг тарқалган етакчи оила Pottiaceae 28 та тур (24,13%) ни, кейинги ўринларда Brachytheciaceae ва Grimmiaceae оилалари 11 та тур (19%) ни, Bryaceae 10 та тур (8,62%) ни, Amblystegiaceae оиласи 9 та тур (7,76%) ни, Orthotrichaceae оиласи эса 5 турни ўзида бирлаштириб жами турларни (4,31%) ни ташкил этган. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики жами 6 та етакчи оила 74 турни ўз ичига олиб 63,79% ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Бриофлоранинг етакчи оилалар бўйича тақсимланиши


№	Етакчи оилалар	Ўсиш шакли	Турлар сони	116 турга нисбатан (%)	Етакчи оилалар ичида (%)
1	Pottiaceae	Акрокарп	28	24,13	37,8
2	Brachytheciaceae	Плеврокарп	11	9,48	14,8
3	Grimmiaceae	Акрокарп	11	9,48	14,8
4	Bryaceae	Акрокарп	10	8,62	13,5
5	Amblystegiaceae	Плеврокарп	9	7,75	12,2
6	Orthotrichaceae	Плеврокарп	5	4,31	6,7
Жами			74	63,79	100

Бобнинг тўртинчи бўлимида Шимолий Туркистон бриофлорасининг етакчи туркумлар бўйича таҳлили натижада 57 та туркум ичида 7 та туркум худуднинг бриофлорасида етакчилик қилган.

Бу туркумлар 6 оилага мансуб бўлиб, 49 турни ўзига бирлаштириб турларнинг 42% ни ташкил қилган ва ўрганилган ҳудудда кенг тарқалганлиги ва турли субстратларда учраши билан изоҳланган. Бунда *Encalypta*, *Orthotrichum* туркумлари нисбатан камроқ 4 тадан тур, *Ptychostomum* туркуми 7 тур, *Brachythecium*, *Tortula* каби туркумларнинг ҳар бирида 8 тадан турга, *Grimmia*, *Syntrichia* туркуми эса 9 тадан турни ўзида бирлаштириб етакчи туркумлар ичида энг юқори кўрсаткичга эга бўлади.

Бобнинг бешинчи бўлимида камёб флористик топилмалар ва уларнинг муҳофазаси келтирилган бўлиб, унга кўра ўрганилган ҳудудда бриофитларнинг 11 та оилага мансуб 14 тур ҳудуднинг маълум яшаш жойларида учраши ва такрорий учрамаслиги билан характерланади. Marchantiophyta бўлимига мансуб *Calypogeia arguta* Nees & Mont., *Clevea hyalina* (Sommerf.) Lindb., *Riccia papillosa* Moris ва *Metzgeria conjugata* Lindb. турлари ва Bryophyta бўлимидан *Plagiothecium nemorale* Jaeger., *Platydictya jungermannii* (Brid.) H.A.Crum., *Amblystegium confervoides* (Brid.) Bruch, Schimp. & W. Guembel., *Brachythecium geheebii* Milde., *Cyrtomnium hymenophylloides* (Huebener) T.J. Kop., *Mnium stellare* Hedw., *Ptychostomum imbricatulum* (Müll.Hal.) Holyoak & N. Pedersen., *Scopelophila ligulata* (Spruce) Spruce., *Pseudoleskeella catenulata* (Brid. ex Schrad.) Kindb., ва *Polytrichum commune* Hedw., турлари аниқланган ва уларнинг ГАТ хариталари яратилган.

Бобнинг олтинчи бўлимида Шимолий Туркистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари бриофитларининг қиёсий таҳлили бўлиб, унда ҳудуднинг Жанубий Туркистон (Маматкулов 1989), Зарафшон дарёси ўрта оқими (Жалов 2018) бриофлораларининг ўхшашлик даражаси аниқланган (3-расм).



3-расм. Шимолий Туркистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари бриофитларининг қиёсий таҳлили (К_ж)

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Зарафшон дарёси ўрта оқим хавзаси бриофлораси, Шимолий Туркистон бриофлорасига нисбатан

ўхшашлиги аниқланган. Бунда Зарафшон тизмасига географик жиҳатдан нисбатан яқинлиги, ҳамда экологик хусусиятлари ўзаро ўхшашлиги боис қиёсланган бошқа бриофлоралардан нисбатан яқинлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг бешинчи боби “Шимолий Туркистон бриофлорасининг экологик-географик таҳлили” деб номланиб, унда бриофитларнинг географик элементлари, экотоп типлари, ўсимликлар жамоасидаги ўрни, яшаш муҳити, атроф-муҳит намлигига кўра тақсимланиши ҳамда тупроқ ва ҳаво таркибидаги радионуклидлар миқдорини аниқлашда фойдаланиш масалалари ёритилган.

Биринчи бўлимда худудда мавжуд 116 турдаги бриофитларнинг 7 та географик элементга мансублиги таҳлил қилинган. Тадқиқот олиб борилган географик районда энг юқори кўрсаткичларни арид 27 турни (23%), бореал 25 турни (21%), монтан 23 турни (20%), кейинги ўринларда неморал 16 турни (14%), арктоалп 15 турни (13%), космополит 8 турни (7%), энг кам кўрсаткичга эга бўлган қадимги Ўрта Ер денгизига тегишли турлар 2% ни ташкил этади (3-жадвал).

3-жадвал.

Бриофитларнинг географик элементларини қабиалар кесимида тақсимланиши

Географик элемент	<i>Metzgeriales</i>	<i>Jungermanniales</i>	<i>Marchantiales</i>	<i>Bryales</i>	<i>Bartramiales</i>	<i>Dicranales</i>	<i>Encalpietales</i>	<i>Funariales</i>	<i>Fissidentales</i>	<i>Grimmiales</i>	<i>Hypnales</i>	<i>Orthotrichales</i>	<i>Polytrichales</i>	<i>Timmiales</i>	Турлар сони	%
Арид	-	-	1	1	-	15	4	1	-	-	4	1	-	-	27	23,3
Бореал	-	-	-	7	-	2	-	-	-	-	13	1	2	-	25	21,5
Монтан	-	-	-	1	-	6	-	-	-	11	4	1	-	-	23	19,8
Неморал	1	1	1	2	-	2	-	-	2	-	5	2	-	-	16	13,8
Арктоалп	-	-	1	3	1	4	-	-	-	-	5	-	-	1	15	12,9
Космополит	1	-	2	-	-	2	-	1	-	1	1	-	-	-	8	6,9
Қадимги Ўрта Ер денгизи	-	-	-	-	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-	2	1,72
Жами	2	1	5	14	1	33	4	2	2	12	32	5	2	1	116	100

Бобнинг иккинчи бўлимида бриофитларнинг экотоплар ва ўсимликлар жамоалари бўйича тарқалиши таҳлил қилинган.

Бунда Шимолий Туркистон бриофитларни экотоплар бўйича оилалар кесимида таҳлил қилинганида баъзи оила вакиллари маълум ценозларда баъзи оила вакиллари иккидан ортиқ экотопларда тарқалганлиги аниқланди. Ҳар хил экотопларда бриофитларнинг учраши бриологик нуқтаи назардан турларининг спораларини тарқалиши билан асосланади.

Ўрмонзорларда тарқалган бриофитлар: Шимолий Туркистон бриофлорасида асосан арчазорларда ва қисман кенг баргли ўсимликлар жамоасидан ташкил топган 30 га яқин бриофит турлари тарқалган. Арчазорлар фармациясида *Timmia bavarica*, *Nyholmiella obtusifolia*, *Tortula inermis*, *Ptychostomum pallens*, *Ptychostomum pallescens*, *Ptychostomum elegans* каби турлар кенг тарқалганлиги изоҳланган.

Бутазорлар бриофитлари: Шимолий Туркистонда асосий бутазорлар формациялари наъматак (*Rosa L.*), тобулғи (*Spiraea L.*), зирк (*Berberis L.*) ва бошқа туркум турларидан ташкил топган. Бундан бутазорлар танасида *Pseudoleskeella tectorum*, *Pseudoleskeella catenulate*, *Orthotrichum pallens*, *Orthotrichum crenulatum*, *Nyholmiella obtusifolia*, *Tortula inermis*, *Didymodon rigidulu*, *Brachythecium salebrosum*, *Eurhynchium savatieri*, *Tortula schmidii*, *Distichium capillaceum*, каби турлар бўлиб 8 оилга мансуб 11 турни ташкил этади.

Ўтлоқзорда ўсувчи бриофитлар: асосан тоғ текисликларида ва унинг қияликларида майсазорлар орасида кўп йиллик ўтлар, чала бута ва бутачалар остидаги тупроқларда ўсиши билан характерланади. Ўтлоқзорлар жамоасида *Funaria hygrometrica*, *Brachythecium albicans*, *Plagiothecium nemorale*, *Ptychostomum creberrimum*, *Ptychostomum imbricatum*, *Pohlia cruda* *Weissia condensa* каби турларни учратиш мумкин.


Ботқоқлашган жойлардаги бриофитлар: Худудда ботқоқ экосистемасидан алоҳида аҳамиятга эга бўлган йирик ботқоқликлар учрамайди, лекин сизот сувли, доимий сув билан тўйинадиган сойлар ичида кичик ботқоқларда *Pohlia wahlenbergii*, *Hamatocaulis vernicosus*, *Palustriella commutate*, *Ptychostomum schleicheri* каби турлар учрайди.

Сув ҳавзалари, сойлар ва уларнинг қирғоқларида ўсувчи турлар: Шимолий Туркистон битта тўғри йўналган тизманинг ён бағридан иборат бўлганлиги, сой ва ҳавзалари кўплиги ва қор ёмғир сувлари билан тўйиниши ушбу ценозларда бриофит турларининг доимий учраши ва яхши ривожланишига имкон беради. Бунда бевосита сув ичида 8 тур, томчили сув билан тўйиниб турувчи 11 та бриофит турлари *Mnium stellare*, *Marchantia polymorpha*, *Calypogeia arguta*, *Platyhypnidium riparioides*, *Bryum turbinatum*, *Bryum bimum*, *Cyrtomnium hymenophylloides*, *Schistidium rivulare*, *Metzgeria conjugate*, *Metzgeria furcate*, *Platydictya jungermannioides* каби жами 19 та тур тарқалганлиги аниқланган.

Тош ва тош ёриқларида ўсувчи бриофитлар: Ушбу яшаш жойида Pottiaceae оиласига мансуб 11 тур, Grimmiaceae оиласига мансуб 8 тур, Encalyptaceae оиласига 3 тур, Bryaceae ва Fissidentaceae оилаларининг 2 тадан тури, Pseudoleskeaceae, Neckeraceae, Hypnaceae, Seligeriaceae оилалари биттадан тури бўлиб жами 30 дан ортиқ турни бирлаштирган. Кенг тарқалган турларига: *Calliargonella lindbergii*, *Thamnobryum alopecurum*, *Syntrichia laevipila*, *Syntrichia norvegica*, *Syntrichia handelii*, *Syntrichia ruralis*, *Scopelophila ligulate*, *Crossidium squamiferum*, *Lescuraea radicata*, *Bryum arcentum* мансубдир.

Оч-бўз тупроқларда ўсувчи бриофитлар: Бундай турлар очик тупроқларда, тошлар юзасида тўпланган тупроқларда, ҳар хил кемирувчилар инидан чиқарилган тупроқлар юзасида, чумолилар уяси устидаги тупроқларда учровчи *Pterygoneurum ovatum*, *Pterygoneurum lamellatum*, *Tortula brivissima*, *Tortula acaulon*, *Ptychostomum creberrimum*, *Ptychostomum pallescens*, *Bryum dichotomum* келтиришимиз мумкун.


Бобнинг ўчинчи бўлимида 116 тур бриофитларнинг субстратларга кўра тарқалиши тахлил қилинганда бир субстратли яъни бошқа субстратларда деярли учрамайдиган турлар 75 та бўлиб эпигей ва эпилитлар ҳисобланиб 65% ни ташкил этади. Қолган 37% бриофит турлари бир неча субстратларга учраши билан характерланади. Бунда турли тупроқ ва тошларда 18 та, тупроқ ва тўнкаларда 7 та, тош ва дарахтлар танасидаги турлар 6 та, тош ва чириган тўнкаларда 5 та турни, тупроқ ва дарахтларда 2 тур (*Tortula inermis*, *Tortula subulata*), тупроқ, тош юзаси ва чириган тўнкаларда эса (*Brachythecium salebrosum* ва *Brachythecium rutabulum*) 2 тури учраса, *Amblystegium serpens*, эса барча субстратларда учраши маълум бўлди (4-расм).



4-расм. Шимолий Туркистон бриофитларининг субстратларга кўра тахлили

Бунда эпигейлар 70 та бўлиб бошқа субстратларга нисбатан 44,6% ни эпилитлар 64 та 40,7% ни, эпифитлар 10 та 6,3% ни, эпиксиллар 13 та бўлиб 8,3% ни, умумий йиғиндиси 157 тани ташкил қилади. Турлар сони ошиши ҳар-хил субстратлик хусусияти билан изоҳланади.

Тўртинчи бўлимида бриофлоранинг намликка бўлган муносабатига кўра, Шимолий Туркистон ҳудуд бриофитларнинг 6 та экологик гуруҳларга ажратилган: ксерофитлар, мезофитлар, ксеромезофитлар, мезогигрофит, гигрофитлар ва гидрофитлар (5-расм).



5-расм. Шимолий Туркистон бриофитларининг намликка муносабатига кўра тақсимланиши

Таҳлиллар натижасига кўра, ксерофитлар ўртача 39 та турни 34%, мезофитлар 36 та турни 31%, гигрофитлар 21 турни 18%, ксеромезофитлар 8 тўрни 7%, гидрофит 7 турни 6%, мезогигрофитлар 5 турни ўртача 4% ни ташкил қилиши маълум бўлди. Ўрганилган ҳудуд бриофлорасининг намликка бўлган муносабатига кўра, асосан ксерофитлар устунлик қилиши билан асосланади.

Бунга асосий сабаб ўрганилган ҳудуд республикамизнинг бошқа ботаник географик районларига нисбатан намлик юқори бўлсада, ҳудуд иқлими асосан арид типига яқин бўлганлигини сабабли бриофлоранинг шаклланишига таъсир этади.

Бешинчи бўлимида тупроқ ва ҳаво таркибидаги радионуклидлар миқдорини аниқлашда бриофитлардан фойдаланиш, яъни атмосфера ёғинлари (қор, ёмғир, чанг-шамоллар) таркибидаги радионуклидларни биомониторингиде фойдаланиш масалалари келтирилган. Биомониторинг учун *Grimmia laevigata* (Brid.) Brid., *Ptychostomum schleicheri* (DC.) J.R. Spence ex D. Bell & Holyoak. ва *Lescurea radicata* (Mitt.) Monk. турлари кимёвий таҳлил қилинди (4-жадвал).

Йўсинлар таркибидаги радионуклидларнинг концентратсияси сцинтилляцион гамма-спектрометр (RADEK) қурилмаси билан аниқланган.

Таҳлиллар натижасида *G.laevigata*да радионуклид таркиби сезиларли даражада ўзгарганлиги маълум. ^{226}Ra фарқи 16,1, ^{232}Th да эса 19,1 га, ^{40}K да 99,5 га, ^{137}Cs да 23,8 га юқори кўрсаткичга эгалик қилиши билан фарқланишини, бундан ташқари 1-намунада миқдорий аниқлаш чегарасидан кичик 5,59 бўлсада ^7Be мавжуд, 2-намунада ^7Be йўқлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб Қатортол ҳудудининг иқлим кўрсаткичлари кўриқхона ҳудудидан сезиларли даражада фарқланади чунки кўп ёғин натижасида ^7Be ювилиб кетилишидир. Ҳар икки тур миқдорий жиҳатдан ^{40}K сўнгра техноген ^{137}Cs ва ^{226}Ra тўпланганини кўришимиз мумкин.

Намуналар таркибидаги радионуклидларнинг концентрацияси

№	Элемент	<i>Grimmia laevigata</i>	<i>Grimmia laevigata</i>	<i>Ptychostomum schleicheri</i>	<i>Lescurea radicata</i>
		Қатортол қ.	Зомин д.қ.	Жум-жумсой	Зомин д.қ.
1	²²⁶ Ra Бк/кг	52,3±11	36,2±13	9,8±4	<2,13
2	²³² Th Бк/кг	47,4±6,7	28,3±4,5	8±1,5	8,2±1,3
3	⁴⁰ K Бк/кг	643,9±72	544,4±52	<59	<31
4	¹³⁷ Cs Бк/кг	78,1±8,5	54,3±7,4	<3,5	41,3±6,3
5	⁷ Be Бк/кг	<5,59	-	-	-

Изоҳ 2: Намуналарнинг активлиги ($A \pm \Delta A$) Бк/кг. “<”- миқдорий аниқлаш чегарасидан кичик) (1-2- Намуналар: *G. laevigata*- 1-Қатортол қишлоғидан. 2- Зомин давлат қўриқхонаси ҳудудидан., 3- Намуна: *Ptychostomum schleicheri*- Бахмал тумани, Жум-жумсой ҳудудидан., 4- Намуна: Зомин давлат қўриқхонаси ҳудудидан).

Ptychostomum schleicheri турида ⁴⁰K, ¹³⁷Cs радионуклидлар миқдорий аниқлаш чегарасидан кичик бўлса, *Lescurea radicata* турида эса ²²⁶Ra ва ⁴⁰K радионуклидлар миқдорий аниқлаш чегарасидан кичикиклигини кузатиш мумкин. Таҳлиллар натижасида барча турларида ²³²Th, сўнгра ¹³⁷Cs ва ²²⁶Ra радионуклидлар тўплангани маълум бўлди. ⁷Be эса фақат *G. laevigata*да яъни Қатортол-саноатлашган минтақада тўпланганлигини аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

“Шимолий Туркистон бриофлораси ва унинг биоэкологик тавсифи” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шимолий Туркистон бриофлораси 116 турдан иборат булиб 2 бўлим (*Marchantiophyta* *Bryophyta*), 4 синф (*Marchantiopsida* *Jungermanniopsida*, *Bryopsida*, *Polytrichopsida*), 14 тартиб, 32 оила, 57 туркумга мансуб. Улардан Ўрта Осиё бриофлораси учун 2 тури (*Cyrtomnium hymenophylloides* (Huebener) T.J. Кор., *Calypogeia arguta* Nees & Mont.), Ўзбекистон бриофлораси учун эса 14 тур илк бор аниқланди.

2. Шимолий Туркистон бриофлорасининг етакчи оила ва туркумлар спектри Қадимги Ўртаер денгиз бриофлораси типи учун характерлидир. Етакчи оилалар *Pottiaceae* Schimp. - 28, *Brachytheciaceae* Roth. - 11, *Grimmiaceae* Arnott. - 11, *Bryaceae* Schwaegr. - 10 тур, *Amblystegiaceae* Kindb.- 9, *Orthotrichaceae* Schimp. - 5, турни ўз ичига олиб, улар 74 турни бирлаштиради ҳамда бриофлоранинг 61,9% ини ташкил этади.

3. Шимолий Туркистон бриофлораси Зарафшон дарёси ўрта оқими бриофлорасига нисбатан ўхшашлиги $K_j=0,28$ га тенг. Бу Шимолий Туркистон Зарафшон тизмасига географик жиҳатдан яқинлиги ҳамда табиий-экологик шароитлари ўзаро ўхшашлиги билан изоҳланади.

4. Бриофлоранинг географик элементларга кўра тақсимланиши, арид (27

тур, 23%), бореал (25 тур 21%), монтан (23 тур 20%), неморал (16 тур, 14%), арктоалп (15 тур, 13%), космополит (8 тур, 7%), қадимги Ўртаер денгизи (2 тур, 2%) ни ташкил қилиб худуд таркибида асосан “арид” географик элементи етакчилик қилади. Бореал монтан, неморал ва арктоалп элементлар турлар хилма-хиллигини яримидан кўпроғини (68%) ўз ичига олади.

5. Шимолий Туркистон бриофлорасининг субстрат гуруҳлари нисбатан эпигей турлар - 70 та (44,6%), эпилит турлар - 64 та (40,7%), эпиксил турлар - 13та (8,3%) ни ва эпифит турлар - 10 та (6,3%) ни ташкил этади.

6. Намликка нисбатан ксерофит - 39 тур (34%), мезофит - 36 тур (31%), гигрофит - 21 та тур (18%), ксеромезофитлар - 8 тур (7%) гидрофит - 7 тур (6%) ни ва мезогигрофит - 5 тур (4%) ни ташкил қилиб, енг юқори кўрсаткични ксерофит турлардан иборат эканлиги кузатилди.

7. Шимолий Туркистон бриофитлари флорасидан 14 та камёб турлар аниқланиб, жами турларнинг 12,5% ни ташкил этади. Кам учровчи ёки йўқолиб кетиш ҳавфи юқори бўлган камёб турларни Ўзбекистон республикаси “Қизил китоб” га киритиш, ГАТ хариталарини яратиш ва атмосфера ҳавоси таркибидаги радионуклидлар миқдорини аниқлашга хизмат қилувчи 3 тур бриофитлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019. В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ
ШАРОФА РАШИДОВА**

АБДИРАСУЛОВ ФАРРУХ АБДИРАСУЛ УГЛИ

**БРИОФЛОРА СЕВЕРНОГО ТУРКЕСТАНА И ЕЕ
БИОЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером В2021.3.PhD/В627.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском Государственном университете имени Шарофа Рашидова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Zionet» (www.zionet.uz).

Научный руководитель: Жалов Холмурод Хакимович
доктор философии по биологическим наукам, доцент

Официальные оппоненты: Мавланов Хударган
доктор биологических наук, профессор
Бобораджабов Бобохон
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация: Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится « 7 » Октябрь 2022 года в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.02.08 при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Актовый зал факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-51; E-mail: devonxona@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова (зарегистрирован под номером 91). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Центр информационных ресурсов. Тел: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан « 21 » Сентябрь » 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № 31 от « 21-Сентябрь » 2022 года).




З.Т.Рахамуродов
Председатель научного совета,
по присуждению учёных степеней,
д.б.н профессор


М.С.Кузиев
Ученый секретарь научного совета,
по присуждению учёных степеней,
(PhD), доцент


Х.К.Хайдаров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире изменение природной среды протекает быстрым темпом, а уровни антропогенного воздействия происходят прямыми и косвенными методами. В результате это является причинами изменения биологических видов и экосистем, исчезновением биоразнообразия, ухудшением состава воды, воздуха, почвы. За последнее время в результате резкого изменения экологии появляется ряд новых болезней, усиление процессов опустынивания и засухи в связи, с чем возрастает опасность полного исчезновения растительных видов. В связи с этим инвентаризация состава бриофлоры, составляющей большую часть растительного покрова, разработка мероприятий по сохранению редких видов и видов, нуждающихся в охране, являются одной из актуальных проблем.

Во флористических исследованиях, проводимых в мире большое внимание уделяют ботанико-географическому районированию природных территорий. В связи с этим, определение видового состава мохообразных, составление конспектов по национальной и местной бриофлоре, сохранение условий их естественного произрастания, изучение биоэкологических особенностей, определение современного состояния редких и нуждающихся в охране видов относятся к числу актуальных проблем ботаники. Бриофиты среди высших растений по числу видов и значению занимают наиболее высокое положение, а также своим широким экологическим диапазоном, приспособленностью к различным экологическим условиям и произрастанию на субстратах, с более высоким адапционными свойствами в связи, с чем изучение и внедрение в производство этих видов имеют важное научно-практическое значение.

В нашей республике особое внимание уделяется сохранению биологического разнообразия, таксономическому анализу, а также мониторингу видов растений в составе флоры. В связи с этим достигаются значительные результаты по инвентаризации флоры ботанико-географических территорий, охране редких и исчезающих видов и наряду с этим по созданию видовых коллекций. В Стратегии развития Нового Узбекистана для дальнейшего развития Республики Узбекистан определены задачи, в частности “Экология и охрана окружающей среды, улучшение экологической обстановки в городах и районах, реализация общенационального проекта «Зеленое пространство»¹. При реализации данного Указа формирование современного таксономического состава бриофитов Северного Туркестана, создание конспекта, выявление редких и новых для региона видов, создание их карт ГИС, на основе эколого-флористического анализа описание типов роста бриофитов, разработка мероприятий по их охране, и рекомендации по использованию индикаторных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года УП-60

бриофитов в биомониторинге атмосферного воздуха, являются одним из важных вопросов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, поставленных в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 98 от 3 апреля 2009 г. «Об утверждении Правил организации системы государственного учета и контроля за оборотом источников ионизирующего излучения», в Законе Республики Узбекистан от 21 сентября 2016 года №УП 409 «Об охране и использовании растительного мира», Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года и Указа Президента -4947 Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Указе Президента «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» УП-60 от 28 января 2022 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Связь исследований с основными приоритетами развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Изучение таксономических, флористических, географических и экологических особенностей флоры бриофитов, а также их значение при мониторинге степени загрязнения окружающей среды проводились зарубежными учеными A.Buse, D.Norris, H.Harmens, P.Biiker, T.Ashenden, J.Mills (2000, 2001), B.Wolterbeek (2002), R.Marstaller (2006), Г.С.Таран (2001), А.Дьяченко (2011, 2012), J.Glime (2020) и освещены в работах других ученых.

